

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАСУЛОВ ҲАМЗА ХУДАЙҚУЛОВИЧ**

**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЁМҒИР ЭРОЗИЯСИ  
ТОИФАЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ  
(Бахмал тумани мисолида)**

**06.01.03-«Агротупроқшунослик ва агрофизика»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Абдурасулов Ҳамза Худайкулович**

Тоғ ва тоғолди худудларида ёмғир эрозияси тоифалари ва унга қарши  
курашиш чоралари (Бахмал тумани мисолида)..... 3

**Абдурасулов Ҳамза Худайкулович**

Категории дождевой эрозии в горных и предгорных районах и меры  
борьбы с ними (на примере Бахмалского района)..... 21

**Abdurasulov Khamza Khudaykulovich**

Categories of rain erosion in mountainous and foothill areas and measures to  
combat it (on the Bakhmal region)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАСУЛОВ ҲАМЗА ХУДАЙҚУЛОВИЧ**

**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЁМҒИР ЭРОЗИЯСИ  
ТОИФАЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ  
(Бахмал тумани мисолида)**

**06.01.03-«Агротупроқшunosлик ва агрофизика»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Qx1093 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Хакбердиев Обид Эшнӣёзович</b><br>биология фанлари номзоди, доцент  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Қурвантаев Раҳмонтой</b><br>қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор<br>Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти<br><b>Содиқова Гулчехра Саттаровна</b><br>биология фанлари номзоди, доцент<br>Тошкент давлат аграр университети |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институти</b>   |

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz)).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.М.Бобомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Кўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, қ.х.ф.ф.д.,  
катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда «дунёдаги тоғ ва тоғолди ерларининг 24 фоизини лалмикор деҳқончилик ерлари ташкил этади, унинг 64 фоизи Осиё минтақасига, 36 фоизи Шимолий Америка минтақасига, 25 фоизи Европа мамлакатларига, 22 фоизи Жанубий Американинг тоғли ерларига тегишли»<sup>1</sup>. Дунёнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 60 фоизи лалми деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда лалмикор ерларда сув эрозияси, хусусан, ёмғир эрозияси таъсирида тоғ ва тоғолди минтақалари тупроқларининг юза қисмини емирилиб кетишини олдини олиш, унумдорлигини сақлаш, ошириш, агрокимёвий ҳолатини яхшилаш орқали тупроқларда содир бўлаётган деградация жараёларининг олдини олиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ эрозиясини келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлган ёмғир эрозияси натижасида таназзулга учраган тупроқларни сақлаш, тиклаш ва унумдорлигини ошириб боришга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, табиий ва техноген омилларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, тоғ ва тоғолди лалми тупроқларида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ҳамда яйловларнинг ўсимлик қопламани сақлаш ва тиклаш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда, шу сабабли, лалмикор ерлардан ҳам мўл ҳосил олиш, интенсив деҳқончилик қилиш, ёғатган ёмғирларни тупроқ юзасида сақлаб қолиш, тупроқда намликни ошириш, муҳофаза қилишга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам тоғ ва тоғолди худудлари ерларининг ёмғир эрозияси таъсирини аниқлаш уларни турлари ва эрозия хавфи даражасини миқдорий баҳолашнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш, тоифаларга ажратиш орқали лалмикор ерлардан унумли фойдаланиш тизимини такомиллаштириш орқали сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тоғ ва тоғолди ҳудудларида тарқалган лалми ва кўриқ тупроқларни ўрганиш, сув эрозияси тоифаларини аниқлаш, унга қарши кураш бўйича хорижий олимлардан R.Lal, M.Mitova, A.R.Sepaskhah, V.Shahabizad, M.E.Barber, M.Ali ҳамда республикамиз олимларидан Х.М.Махсудов, Л.Турсунов, И.Т.Турапов, Ў.Тожиев, Р.Кўзиев, Л.А.Гафурова, Н.Ю.Абдурахмонов, Р.Қурвантаев, Н.Б.Раупова, Д.А.Қодирова, Г.М.Набиева, Г.Т.Джалилова, Н.И.Шадиева, О.Э.Хакбердиев, Т.Ш.Шамсиддинов, М.Ф.Фахрутдинова, Г.С.Содиқова, А.Х.Қораев ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар ўтказилган. Лекин, тоғ ва тоғолди кўриқ ва лалми тупроқларнинг ёмғир эрозияси жараёнининг тупроқ қопламига таъсирини, эрозия хавфлилик даражаси бўйича тоифаларга ажратишга қаратилган илмий-тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг К-7-012 «Эрозияга хавфли ерларни аниқлаш, баҳолаш ва Ўзбекистоннинг лалми зоналари тупроқлари унумдорлигини оширишнинг айрим усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лалми тупроқларда ёмғир эрозияси хавфи тоифаларини аниқлаш ва ёмғир томчиларининг заррача катталиги ҳар хил тақсимланишидаги тупроқ таркиби ҳамда агрегатларни парчаловчи таъсирини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли даражада эрозияланган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш;

лалми тупроқларда эрозияга хавфли ерлар тарқалишининг умумий қонуниятларини аниқлаш;

ёмғир эрозиясининг лалми ерлардаги эрозия хавфи даражасига таъсирини ўрганиш;

турли даражадаги эрозия хавфи бўлган ерларда морфологик, физик ва кимёвий жиҳатдан диагностика мезонларини аниқлаш;

ёмғир эрозияси омилларига қараб лалми ерларнинг эрозия хавфи тоифаларини аниқлаш;

ArcGIS дастури асосида ўрганилган ҳудуднинг 1:10000 масштабли эрозия харитасини яратиш;

лалми тупроқлар ва уларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда қайта тиклашга доир тавсиянома ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах вилояти Бахмал тумани тоғ ва тоғолди худудларидаги эрозияга учраган қўриқ типик жигарранг, лалми тўқ тусли бўз ва лалми типик бўз тупроқлар, ҳамда лалми кузги буғдой ва беда экинлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқларнинг умумий агрофизикавий хоссалари, механик таркиби, табиий намлик, ёмғир томчилари, микроагрегатлик ҳолати, эрозияланиш даражаси, экспозиция ва эрозия хавфлилик хариталари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАТИ ва собиқ ЎзПИТИ институтлари томонидан ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди: Тупроқ намуналарини олиш ва лаборатория таҳлил ишлари Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв», «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ харитларини тузиш бўйича йўриқнома» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси лалми тупроқларининг унумдорлик даражасини баҳолаш бўйича услубий қўлланма»лар асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси ва Microsoft Excel дастури асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лалми худудларда эрозия хавфи бўлган ерлар тарқалишининг умумий қонуниятлари ҳамда ёмғир эрозияси омиллари ва тупроқ емирилиш ўртасидаги табиий боғлиқлик аниқланди;

лалми минтақа учун ёмғир эрозиясининг барча асосий омилларининг турли элементларини ҳисобга олган ҳолда тупроқ эрозияси хавфи тоифасини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилга ҳамда эрозия хавфи тоифалари бўйича тупроқнинг йиллик емирилиш миқдори аниқланди;

турли тоифадаги эрозияга хавфли ерларнинг асосий ташхис белгилири аниқланган;

ёмғир эрозияси қарши фитомелиоратив усуллардан фойдаланиш лалми тупроқларнинг сув-физиккавий ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилаши ва лалми ерларнинг унумдорлигини ошириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лалми ерларнинг эрозия хавфи тоифасини аниқлаш учун лалми тупроқ типлари, рельефи ва ювилиш эҳтимоллигининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари бўйича шкала тузилган;

Жиззах вилояти Бахмал тумани «Кўшчинор» массивининг 849 гектар ер майдони учун 1:10000 масштабда «Эрозияга хавфли лалми ерлар» харитаси тузилган;

Бахмал туманининг эрозияга хавфли ерларидаги тупроқлар ва уларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда қайта тиклашга доир тавсиялар ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала, лаборатория, камерал ва соҳада умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, қўлланилган усул ва дала кузатув тажрибалари апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлига, натижалар республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда эълон қилинганлиги ҳамда натижаларнинг жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Лалми ҳудудларда эрозия хавфи бўлган ерларнинг тарқалишида тупроқларни вертикал зоналик бўйича қиялик даражаларини юқори бўлиши эрозия жараёнларини ортиш қонуниятларига боғлиқлиги ва ёмғир томчиларининг кинетик энергияси билан тупроқ емирилиши ўртасидаги табиий боғлиқлик аниқланганлиги, лалми минтақа учун ёмғир эрозияси барча асосий омилларининг турли элементларини ҳисобга олган ҳолда, тупроқ эрозияси хавфи тоифасини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилганлиги ҳамда эрозия хавфи тоифалари бўйича тупроқнинг йиллик емирилиш миқдори аниқланганлиги, Бахмал тумани «Қўшчинор» массиви лалми ерларининг эрозия хавфини аниқлаш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқилганлиги, турли тоифадаги эрозияга хавфли ерларнинг асосий ташхис белгилари аниқланганлиги, ёмғир эрозиясига қарши фитомелиоратив усуллардан фойдаланиш орқали лалми тупроқларнинг сув-физикавий ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш орқали лалми ва кўриқ ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва тиклаш имкони мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, лалмикор минтақаларда эрозияга хавфли ерлар ва уларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда қайта тиклашга доир тавсиянома ишлаб чиқилган, Бахмал тумани «Қўшчинор» массивининг эрозияга хавфлилик даражаси бўйича тузилга 1:10000 масштабли харитаси яратилган, лалмикор ерларда эрозия хавфи бўлган ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, ёмғир эрозиясидан муҳофазалаш ва тупроқ унумдорлигини тиклаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёмғир эрозияси тоифалари ва унга қарши кураш чоралари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бахмал туманининг эрозияга хавфли ерларидаги лалми тупроқлар ва уларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда қайта тиклашга доир тавсиялар» номли тавсиянома Жиззах вилояти Бахмал тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 29 мартдаги 04/29-06/87-сон маълумотномаси). Натижада, лалми тупроқларнинг ҳолатини аниқлаш, унумдорлигини сақлаш ва оширишда фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида хизмат қилган.

Ёмғир эрозиясига учраган лалми тупроқларнинг эрозия хавфлилиги тоифасини (категориясини) аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилган ва шу асосида «Қўшчинор» массиви 849 гектар лалми ерларнинг 1:10000 масштаби эрозия харитаси тузилган ва Жиззах вилояти Бахмал тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 29 мартдаги 04/29-06/87-сон маълумотномаси). Натижада, тоғ ва тоғолди ҳудудларда тарқалган қўриқ типик жигарранг ва лалми бўз тупроқлар шароитида ёмғир эрозиясини башоратлаш имкони яратилган;

«Баходир Бегимкулов» номли фермер хўжалигининг 20 гектар экин ер майдонида лалми кузги буғдой ва беда экинлари асосида ўтказилган дала кузатув тажрибасининг натижалари Жиззах вилояти Бахмал тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 29 мартдаги 04/29-06/87-сон маълумотномаси). Натижада, лалмикор деҳқончиликда экинларни тўғри жойлаштириш, ёмғир эрозиясига учраган тупроқлардан самарали фойдаланиш, ёмғир эрозиясига қарши қўлланиладиган тадбирларни муддатида амалга ошириш, тупроқ унумдорлигини тиклашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, эрозияланиш даражасининг олдини олишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 таси халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шундан 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эрозияга хавфли бўлган ҳудуд тупроқларининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлиллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб,

лалми минтақа тупроқларида эрозияга хавфли ерларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш, лалми тупроқларнинг емирилиши ва эрозия омиллари (тупроқ, рельеф, ўсимлик қоплами ва ҳ.к.) ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамияти илмий асосланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Дунёда лалмикор деҳқончилик қилинадиган ерларнинг эрозия хавфини аниқлаш ва баҳолаш тамойиллари ва уларнинг унумдорлигини ошириш учун турли эрозияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш афзалликлари баён этилган. Ёмғир эрозиясининг лалми тупроқларнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Эрозия омилларининг минтақавий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, яъни ёмғир эрозиясига учраган лалми тупроқларга иқлим, рельеф, ўсимлик дунёси, инсон омилининг таъсири ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Иқлим шароитига кўра, лалмикор ерларнинг тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равишда намлик билан таъминланганлиги аниқланди. Бунда, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга мансублиги кузатилди. Жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар баланд минтақада жойлашган бўлиб мазкур тупроқлар намлик билан яхши таъминланган, типик бўз тупроқлар ўрта минтақада тоғолди зоналида тарқалган бўлиб, намлик билан ярим таъминланган гуруҳга тўғри келади.

Вилоят рельеф шароитларини тавсифлашда ер юзаси нишаблигининг қуйидаги градациялари қабул қилинган:

1. 0,02-0,01 – нишабли юза;
2. 0,01-0,005 – кучсиз қиялама нишабли юза;
3. 0,002-0,001 – текисланган юза;
4. <0,001 – ўта текисланган (ясси) юза.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ҳудуд майдонининг 5,7 фоизини эрозия хавфи аҳамиятсиз бўлган текисликлар, яъни 0-1<sup>0</sup> ташкил этади. Нишаблиги 1-3<sup>0</sup> гача бўлган майдонлар 6,9 фоизни, 3-5<sup>0</sup> ва 5-7<sup>0</sup> гача бўлган майдонлар 18,6 фоизни, 7-10<sup>0</sup> гача ер майдонлари эса 13,8 фоизни ташкил этади. Ушбу ерларнинг барчаси лалми деҳқончилик учун мос, лекин, эрозияга қарши тегишли чоралар қўлланилмаган. Қияликлари 10<sup>0</sup> дан юқори бўлган нишабликларда эрозияга қарши чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади. Улар асосан яйлов сифатида ва қисман боғдорчилик учун ишлатилиши мумкин. Тупроқ пайдо бўлишининг асосий омилларидан бири бу ўсимлик дунёси бўлиб, тупроқ билан биргаликда ягона бир тизимни шакллантиради. Ўсимлик дунёси денгиз сатҳидан юқорига кўтарилгани сари тупроқ шароитларига қараб ўзгариб боради. Рельеф тузилиши ва тупроқ-иқлим шароитларининг хилма-хиллиги сабабли бу ҳудудлар ўсимликлар дунёсига бойдир, фақат жанубий қияликлар бундан мустасно.

Ўсимлик қоплами эрозия жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатади. Тупроқнинг ювилиш тезлигини белгилайдиган ўсимлик қопламининг асосий таснифи бу-тупроқ юза қисмининг тўлиқ ўсимлик қоплами билан

қопланганлигидир. Агар ювилган тупроқ ҳажмидаги асосий улуш ёмғир томчиларининг емирилиши таъсирга тегишли бўлса, унда емирилиш интенсивлик даражаси ўсимлик қоплами билан энг катта даражада аниқланади. Бир йиллик экинларнинг тупроқни ҳимоя қилиш самарадорлигини баҳолашда уларнинг алмашлаб экишдаги таркиби ва нисбатларини билиш лозим.


Йиллик экинларнинг ўсиш босқичларида барглр юзаси ва яшил массанинг кўпайиши тўғрисида маълумотлар олинди. Тадқиқотлар ўтказилган йилларда иқлим шароитларининг мақбул бўлганлиги кузатилди. Дала тадқиқотлари ва лаборатория таҳлиллари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси асосида олиб борилди. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларга математик-ситатистик таҳлилари Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услубий қўлланмаси бўйича ҳисоб-китоб қилинди.

Дала кузатув тажрибаларида вегетация даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдовости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олинди, уларнинг таркибидаги умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари И.М.Мальцева, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланди. Тадқиқот даласи тупроғининг сув-физик хоссалари «Методы агрофизических исследований» қўлланмаси бўйича, механик таркиб Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги, тупроқнинг ҳажм массаси ғоваклиги цилиндр усулида аниқланди.

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий изланишлар Жиззах вилояти Бахмал тумани лалми типик бўз, лалми тўқ тусли бўз ва кўриқ типик жигарранг тупроқларида олиб борилди.

Диссертациянинг «**Эрозияга хавfli бўлган Бахмал тумани лалми худуди тупроқлари**» деб номланган учинчи бобида Туркистон тоғ тизмасининг лалми туманларида энг кўп тарқалган лалми типик бўз, лалми тўқ тусли бўз ва кўриқ жигарранг тупроқларининг таснифлари баён этилган.

Лалми типик бўз тупроқлар минтақаси рельефи кенг тўлқинсимон ва ўр-қирли тоғ олди делювиал-пролювиал, лёссимон, пролювиал-лёссимон ва лёссимон қумоқли ётқизиклар устида шаклланган, қуруқ сойларнинг кенг ўзанлари ҳамда ёйилмаларидан иборат. Ўрганилган лалми типик бўз тупроқларнинг морфологик белгилари, хосса-хусусиятлари лалми тўқ тусли бўз тупроқларниқига анча яқин, карбонатлар юқори қатламларда ҳам сезиларли бўлиб, айниқса пастки қатламларда яхши акс этади. Улар асосан оқ доғлар (псевдомицелий) конкрецияли кўринишда намоён бўлади. Лалми типик бўз тупроқнинг ҳайдов қатламида карбонатлар ( $\text{CO}_2$ ) миқдори 2,83-10,45 фоизни, ўрта қатламларда 6,02-9,08 фоизни ташкил этиб, пастки қатламларда 9,00-9,82 фоизгача ортгани кузатилади. Шунингдек, бу тупроқлар профилининг генетик қатламларида ҳажм масса 1,27-1,33 г/см<sup>3</sup> оралиғида тебраниб, эрозияга учрамаган тупроқларда 1,29-1,32 г/см<sup>3</sup>, кучсиз эрозияланган тупроқларда 1,26-1,28 г/см<sup>3</sup> ва ўртача эрозияга учраган тупроқларда 1,32-1,40 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этади.



**1-расм. Лалми типик бўз тупроқларнинг карбонатлар миқдорива хажм оғирлиги,% ва г/см<sup>3</sup>**

Маълумотлар шуни кўрсатадики, кучсиз эрозияланган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1,29 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 0,55 фоизни ва шимолий экспозиция тупроқларининг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1,22 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 0,76 фоизни, шунингдек, ўртача ювилган шимолий экспозиция тупроқлари ҳайдалма қатламида 0,91 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 0,52 фоизни ташкил этади.

Умумий азот миқдори тупроқ қатламларида 0,026-0,105% атрофида тебраниб, ҳайдалма қатламида 0,100-0,062%, бир метрли қатламда 0,041-0,036 фоизни ташкил қилади. Умумий фосфор миқдори лалми типик бўз тупроқларнинг қатламларида 0,290-0,442% атрофида, ҳайдалма қатламида 0,290-0,372%, бир метрли қатламда бу кўрсаткич 0,251-0,273 фоиз оралиғида кузатилди. Ҳаракатчан фосфорнинг миқдори эрозияланмаган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 21,05 мг/кг, кучсиз эрозияланганда 20,18 мг/кг ни ва ўртача эрозияга учраган тупроқларда 21,02 мг/кг ни ташкил этди. Пастки қатламларда ҳаракатчан фосфорнинг миқдори бунданда кам миқдорни ташкил этиб, бу тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам таъминланган гуруҳларга киради.

Лалми тўқ тусли бўз тупроқнинг морфогенетик белгилари тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида шаклланади ва тупроқ тип, типчаларини ва эрозияланиш даражасини аниқловчи катта диагностик аҳамиятга эга. Тўқ тусли бўз тупроқларнинг генетик қатламлари анча яхши ифодаланган.

Гумус ва озика элементлари тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Гумусли қатлам А+В<sub>1</sub>+В<sub>2</sub> нинг қалинлиги 17-20 см бўлиб, чим билан яхши қопланган. Тўқ тусли бўз, мустаҳкам увокли структурага эга. «В» қатламининг қалинлиги 40-60 см, малла қўнғир тусли жилвадор товланади бўз қизғиш бўлиб моғор кўринишли (псевдомицелия) карбонатлар учрайди. Пастга томон кулранг қўнғир тусга айланади. Бу қатламда яшовчи курт-кумурсақлар тупроқ профилини илма-тешик қилиб юборган ҳамда уларда ҳашаротларнинг инлари кўп учрайди. «В<sub>1</sub>» – қатламида оқ кўзанақлар «В<sub>2</sub>» қатламда эса конкрециялар шаклидаги карбонатларнинг тўпланиши билан ажралиб туради.

**Лалми типик бўз тупроқлар таркибидаги гумус, азот, фосфор ва калий миқдори**

| Кесма №, экспозицияси ва қиялиги                 | Қатлам чуқурлиги, см | Гумус, % | Азот, % | C:N  | Ялли, % |       | Ҳаракатчан, мг/кг             |                  |
|--|----------------------|----------|---------|------|---------|-------|-------------------------------|------------------|
|  |                      |          |         |      | фосфор  | калий | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> | K <sub>2</sub> O |
| К-1<br>Шимолий қиялик,<br>эрозияланмаган         | 0-25                 | 1,46     | 0,105   | 8,1  | 0,37    | 1,958 | 31,0                          | 496,0            |
|  | 25-47                | 1,36     | 0,092   | 3,6  | 0,37    | 1,883 | 18,9                          | 395,6            |
|  | 47-67                | 0,91     | 0,082   | 6,4  | 0,30    | 1,683 | 9,8                           | 246,2            |
|  | 67-93                | 0,73     | 0,061   | 6,9  | 0,27    | 1,556 | 6,5                           | 162,7            |
|  | 93-146               | 0,56     | 0,055   | 5,9  | 0,26    | 1,508 | 5,3                           | 134,4            |
| К-2<br>Шимолий қиялик,<br>кучсиз<br>эрозияланган | 0-22                 | 1,29     | 0,101   | 7,4  | 0,37    | 1,900 | 16,4                          | 308,4            |
|  | 22-36                | 1,11     | 0,055   | 11,1 | 0,34    | 1,883 | 10,1                          | 284,2            |
|  | 36-60                | 1,06     | 0,072   | 3,70 | 0,30    | 1,783 | 8,5                           | 215,5            |
|  | 60-96                | 0,73     | 0,067   | 6,3  | 0,30    | 1,508 | 5,8                           | 152,7            |
|  | 96-146               | 0,55     | 0,036   | 8,7  | 0,26    | 1,501 | 5,5                           | 120,6            |
| К-3<br>Жанубий қиялик,<br>ўртача<br>эрозияланган | 0-20                 | 1,24     | 0,079   | 9,1  | 0,29    | 1,808 | 12,0                          | 190,2            |
|  | 20-35                | 0,82     | 0,048   | 9,9  | 0,34    | 1,958 | 10,5                          | 183,2            |
|  | 35-57                | 0,54     | 0,043   | 7,2  | 0,31    | 1,657 | 9,5                           | 149,1            |
|  | 57-85                | 0,40     | 0,024   | 9,7  | 0,30    | 1,501 | 7,9                           | 121,4            |
|  | 85-120               | 0,21     | 0,021   | 5,9  | 0,25    | 1,478 | 5,4                           | 103,0            |

Карбонатлар миқдори лалми тўқ тусли бўз тупроқларда жигарранг тупроқларга қараганда бироз юқори бўлиб, лекин, бу фарқ унча катта миқдорни ташкил этмайди. Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар ҳам худди жигарранг тупроқлар сингари тоғ рельефида, яъни эрозияга мойил ҳудудларда тарқалгани боис, бу тупроқларда карбонатлар миқдори унинг қайси рельеф шароитида ривожланганлигига боғлиқ.

Лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳажм массаси 1,15-1,41 г/см<sup>3</sup> оралиғида тебраниб, шимолий экспозициядаги ювилмаган тупроқларда 1,15-1,21 г/см<sup>3</sup>, кучсиз ювилган жанубий экспозициядаги тупроқларда 1,30-1,42 г/см<sup>3</sup> ва ўртача ювилган жанубий экспозиция тупроқларида 1,30-1,41 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этади. Тўқ тусли бўз тупроқлар жигарранг тупроқлар каби лалмикор деҳқончиликда унумдор тупроқлар қаторида баҳоланади.



**2-расм. Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар таркибидаги карбонатлар миқдори ва ҳажм оғирлиги, % ва г/см<sup>3</sup>**

Келтирилган 2-жадвалда гумус ва озиқа элементлар тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ювилмаган шимолий экспозициядаги тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 2,81 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 1,78 фоизни, кучсиз ювилган жанубий экспозиция тупроқларни ҳайдалма қатламида 2,25 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 1,55 фоизни ва шимолий экспозициядаги ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1,65 фоизни, ҳайдалмаости қатламида 1,09 фоизни ташкил этиб, ҳар бир ҳолатда ҳам пастки қатламлар томон гумус миқдори 0,97-0,33 фоизгача камаяди.

Ювилмаган лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатламида карбонатлар 5,81 фоизни ташкил этиб, пастки қатламларда унинг миқдори 8,05-8,20 фоизга ортади, кучсиз ювилган майдонларнинг ҳайдалма қатламида 7,24-7,28 фоизни, пастки қатламда 8,05-8,10 фоизни ташкил қилиб, ўртача ювилган тупроқларни ҳайдов қатламида 7,50 фоизни, пастки қатламларида 8,17-8,69 фоизни ташкил этади. Бундан кўришиб турибдики, тупроқ профилининг ўрта қатламларида карбонатлар миқдори максимумни ташкил қилади.

Гидротермик ресурслар билан етарлича таъминланганлиги сабабли бу ҳудудда биологик жараёнлар фаол кечади. Лалми тўқ тусли бўз тупроқларда гумус миқдорининг кўп ёки кам бўлиши қиялик тиклиги, экспозицияси ва ювилиш даражасига бевосита боғлиқдир.

2-жадвал

### Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар таркибидаги гумус, азот, фосфор ва калий миқдори

| Кесма №, экспозицияси ва қиялиги                | Қатлам чуқурлиги, см | Гумус, % | Азот, % | C:N  | Ялпи, % |       | Ҳаракатчан, мг/кг             |                  |
|---|----------------------|----------|---------|------|---------|-------|-------------------------------|------------------|
|   |                      |          |         |      | фосфор  | калий | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> | K <sub>2</sub> O |
| К-10.<br>Шимолий қиялик,<br>эрозияланмаган      | 0-28                 | 2,81     | 0,14    | 11,6 | 0,17    | 2,12  | 28,4                          | 325,3            |
|   | 28-54                | 1,78     | 0,10    | 10,3 | 0,16    | 2,10  | 20,4                          | 302,4            |
|   | 54-82                | 0,81     | 0,06    | 7,8  | 0,16    | 2,05  | 12,4                          | 212,4            |
|   | 82-114               | 0,34     | 0,03    | 6,5  | 0,08    | 1,94  | 6,4                           | 196,4            |
| К-11<br>Шимолий қиялик,<br>кучсиз эрозияланган  | 114-152              | 0,22     | 0,02    | 6,3  | 0,07    | 1,94  | -                             | 146,0            |
|   | 0-24                 | 2,25     | 0,11    | 11,8 | 0,13    | 2,06  | 18,2                          | 284,8            |
|   | 24-43                | 1,55     | 0,10    | 8,9  | 0,13    | 2,06  | 17,6                          | 264,7            |
|   | 43-72                | 0,83     | 0,08    | 6,0  | 0,10    | 2,00  | 12,8                          | 184,6            |
| К-12.<br>Жанубий қиялик,<br>ўртача эрозияланган | 72-108               | 0,38     | 0,04    | 5,5  | 0,10    | 1,94  | 6,4                           | 144,6            |
|   | 108-143              | 0,38     | 0,02    | 11,0 | 0,10    | 1,81  | 6,4                           | 104,6            |
|   | 0-21                 | 1,65     | 0,10    | 9,6  | 0,12    | 1,98  | 12,6                          | 246,4            |
|   | 21-32                | 1,09     | 0,09    | 9,5  | 0,10    | 1,98  | 10,2                          | 228,9            |
| Ўртача эрозияланган                             | 32-63                | 0,42     | 0,03    | 8,1  | 0,10    | 1,81  | 6,8                           | 128,9            |
|   | 63-94                | 0,24     | 0,03    | 4,64 | 0,10    | 1,81  | 2,8                           | 80,7             |

Кўриқ жигарранг типик тупроқларда тоғ жигарранг карбонатли тупроқларга нисбатан гумусли қатлам қалинлиги сезиларли, шунингдек, иллювиал қатлам ва карбонатларнинг чуқурроқ қатламларда (100-200 см) тўпланиши аниқ кўринади. Жигарранг карбонатли тупроқларга нисбатан кўриқ жигарранг типик тупроқларда лойланиш жараёни кучли ривожланган.


Олинган маълумотларга кўра, ёмғир эрозияси таъсирида кўриқ ерлардаги жигарранг тупроқларнинг асосий морфологик белгилари сезиларли даражада ўзгарган. Сувайиргичда ва шимолий қияликнинг ўрта қисмида жойлашган типик жигарранг тупроқларнинг гумусли қатлами 70-75

см ни ташкил этганда, худди шу тупроқлар жанубий қияликларнинг ўрта қисмида гумусли қатлам 40-62 см ни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ердаги эрозия жараёнлари асосан жанубий қияликлардаги кўриқ типик жигарранг тупроқларда ўз аксини топган. Кўриқ типик жигарранг тупроқларда карбонатлар миқдори бўз тупроқларга нисбатан бироз кескинроқ тебраниб туради. Бу тупроқлар одатда карбонатли нураш билан боғлиқ бўлган шароитда вужудга келади ва карбонатлар миқдори тупроқларда ҳосил бўлади ва иқлим шароитига қараб юқоридан пастки қатламларга томон ювилиб туради. Уларнинг ювилиш чуқурлиги, жумладан, карбонатли - иллювиал қатламнинг шаклланиши ёғин - сочин миқдори ва тупроқ қатламларидан ювилиш тезлиги ҳамда тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг карбонатлилиқ даражаси ва рельеф шароитига боғлиқ бўлади.

Ўрганилган кўриқ типик жигарранг тупроқларда карбонатлар ( $\text{CO}_2$ ) миқдори 0-1 метрли қатламда 3,30-6,20 фоизни ташкил қилиб, пастки қатламларда уни миқдори ортиб боради. Одатда карбонатли қатлам 35-40 см чуқурликдан бошланади, лекин, кучли ювилган тупроқда 25 см дан бошлаб унинг миқдори кўпайиб боради.

Кўриқ типик жигарранг тупроқларнинг генетик қатламларида ҳажм массаси 1,06-1,49  $\text{г/см}^3$  оралиғида тебраниб, ювилмаган шимолий экспозицияда 1,06-1,25  $\text{г/см}^3$ , кучсиз ювилган жанубий экспозицияда 1,22-1,48  $\text{г/см}^3$ , ўртача ювилган жанубий экспозицияда 1,24-1,49  $\text{г/см}^3$  ни ташкил этади.



**3-расм. Кўриқ типик жигарранг тупроқларда карбонатлар миқдори ва ҳажм оғирлиги, % ва  $\text{г/см}^3$**

Кўриқ типик жигарранг тупроқлар намлик шароити ва термик ресурслар билан етарлича таъминланганлиги, гумус ва озика элементларига бойлиги ҳамда биологик жараёнларнинг актив кечиши сабабли лалмикор деҳқончиликда энг унумдор тупроқлар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, лалми типик жигарранг тупроқларнинг гумус миқдори кўриқ жигарранг тупроқларнинг гумус миқдорига нисбатан кам бўлади. Чунки, тупроқларнинг сувга бўлган бардошлилиги кўриқ чимли ерларга нисбатан кам бўлиб, тупроқ заррачаларининг бир-бирига бўш бирикканлиги сабабли эрозион

жараёнларга кам қаршилиқ кўрсатади ва тупроқнинг устки унумдор қисми ювилиб кетади.

Ҳайдалма қатламларидан пастки текис зоналарга тупроқлар ювилиб тўпланади. Бу эса ўз навбатида тупроқ таркиби ва унумдорлиги турлича сифат кўрсаткичларини белгилайди.

Кўриқ типик жигарранг тупроқларнинг гумус ва озика элементлари тўғрисидаги маълумотларни куйидаги 3-жадвалдан кузатиш мумкин. Бунга кўра, кучли ювилган кўриқ типик жигарранг тупроқларнинг устки қатламида гумус миқдори жанубий экспозициясида 0,75%, ўртача ювилган лалми типик жигарранг шимолий экспозициясида 1,48%, кучсиз ювилган шимолий экспозициясида 2,29% атрофида бўлиб, пастки қатламларга қараб камайиб боради.

Кўриниб турибдики, кўриқ типик жигарранг тупроқларда гумуснинг миқдори қиялик тиклиги ва экспозициясига қараб фарқланади.

3-жадвал

### Кўриқ типик жигарранг тупроқлардаги гумус, азот, фосфор ва калий миқдори

| Кесма №, экспозицияси ва қиялиги                | Қатлам чуқурлиги, см | Гумус, % | Азот, % | C:N | Ялли, % |       | Ҳаракатчан, мг/кг             |                  |
|---|----------------------|----------|---------|-----|---------|-------|-------------------------------|------------------|
|   |                      |          |         |     | фосфор  | калий | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> | K <sub>2</sub> O |
| К-20.<br>Шимолий қиялик,<br>эрозияланмаган      | 0-7                  | 2,29     | 0,194   | 6,8 | 0,323   | 2,109 | 35,0                          | 542,3            |
|   | 7-22                 | 1,08     | 0,100   | 6,2 | 0,282   | 2,259 | 18,0                          | 315,2            |
|   | 22-45                | 0,89     | 0,092   | 5,6 | 0,290   | 2,812 | 14,0                          | 200,8            |
|   | 45-75                | 0,68     | 0,070   | 5,6 | 0,283   | 1,356 | 5,3                           | 184,4            |
|   | 75-130               | 0,30     | 0,056   | 3,1 | 0,264   | 1,095 | 5,1                           | 84,4             |
| К-21<br>Шимолий қиялик,<br>кучсиз эрозияланган  | 0-6                  | 1,48     | 0,119   | 7,2 | 0,362   | 2,109 | 25,0                          | 401,7            |
|   | 6-20                 | 0,94     | 0,090   | 6,0 | 0,371   | 2,139 | 11,0                          | 301,3            |
|   | 20-40                | 0,71     | 0,073   | 5,6 | 0,252   | 1,506 | 10,0                          | 116,5            |
|   | 40-72                | 0,66     | 0,070   | 5,4 | 0,250   | 1,356 | 5,2                           | 114,5            |
|   | 72-120               | 0,38     | 0,041   | 5,5 | 0,245   | 1,958 | 5,8                           | 84,4             |
| К-22.<br>Жанубий қиялик,<br>ўртача эрозияланган | 0-4                  | 1,05     | 0,092   | 6,6 | 0,323   | 1,506 | 16,0                          | 321,3            |
|   | 4-18                 | 0,89     | 0,081   | 6,4 | 0,292   | 1,356 | 10,0                          | 284,4            |
|   | 18-41                | 0,67     | 0,070   | 5,5 | 0,281   | 1,456 | 5,9                           | 134,4            |
|   | 41-68                | 0,57     | 0,063   | 5,5 | 0,270   | 1,306 | 5,8                           | 88,4             |
|   | 68-105               | 0,35     | 0,040   | 5,0 | 0,245   | 1,256 | 5,1                           | 64,4             |

Ўрганилган кўриқ типик жигарранг тупроқлардаги умумий азот миқдори тупроқ профилининг генетик қатламлари бўйича 0,194-0,092% атрофида тебраниб тургани ҳолда унинг миқдори ўртача ювилган жанубий экспозицияси чим қатламда 0,092 фоизни, пастки қатламларда 0,040 фоизни, кучсиз ювилган шимолий экспозициясини чимли қатламида 0,119 фоизни, ташкил этиб, бутун профил бўйича ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.

